

УДК: 339.7

ЎЗБЕКИСТОН МИСОЛИДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТГА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ХАЛҚАРО ГРАНТЛАРНИНГ ЎРНИ

Устемиров Жаҳонгир Шотемирович

Инновацион ривожланиш агентлиги, Илмий ва инновацион фаолиятга молиявий
ресурслар ва хорижий грантларни жалб қилиш бошқармаси

E-mail: ustemirovjahongir@gmail.com

ORCID: 0009-0009-2754-0879

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18608952>

Аннотация: Ушбу мақола Ўзбекистонда инновацион жараёнларни жадаллаштириш хорижий инвестициялар (тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва венчур капитал) ҳамда халқаро грант-молия дастурларининг (ташқи беғараз грантлар ва қўшма-грантлар) ўрни таҳлил қилади. Тадқиқот илм-фан, илмий марказлар, инновацияларга инвестиция киритиш билан ўсиш концепцияларига таянган ҳолда стратегик ҳужжатлар ҳамда халқаро ҳисоботлар асосида олиб борилди. Натижалар шуни кўрсатадики, хорижий инвестициялар инновацияларни, янги технологияларни, бошқарув тажрибасини трансфер қилсиз орқали корхоналарни боғлайди (занжирлаш) ва кучайтиради. Грантлар юқори хавф-хатар даврларда бўшлиқни тўлдирувчи молиялаштириш бўлиб илмий тадқиқот марказларини рағбатлантириш, тижиратлаштириш, илмий ва инновацион ҳамкорликни қўллаб қувватлайди. Молиялаштириш сифатида илмий марказларни рағбатлантириб, илмий ишланмаларни тижиратлаштириш ва институтлараро ҳамкорликни қўллаб-қувватлайди. Унумдорликни ошириш учун грантларни қўшма молиялаштириш (50/50). Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар илмий тадқиқот институтларини (марказлар в.б) саноат билан интеграциялаш билан маҳаллий ишлаб чиқариш салоҳиятини кучайтириш тавсия этилади.

Калит сўзи: Инновацион фаолият; хорижий инвестициялар; халқаро грантлар; венчур капитал; миллий инновацион тизим; тижиратлаштириш; амалиётга тадбиқ қилиш.

РОЛЬ ИНОСТРАННЫХ ИНВЕСТИЦИЙ И МЕЖДУНАРОДНЫХ ГРАНТОВ В ИННОВАЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ НА ПРИМЕРЕ УЗБЕКИСТАН

Устемиров Джаҳонгир Шотемирович

Агентство инновационного развития, Управление по привлечению финансовых
ресурсов и иностранных грантов для научной и инновационной деятельности

E-mail: ustemirovjahongir@gmail.com

Аннотация: В статье анализируется роль иностранных инвестиций (прямых иностранных инвестиций и венчурного капитала), а также международных грантово-финансовых программ (внешних безвозмездных грантов и совместных грантов) в ускорении инновационных процессов в Узбекистан. Исследование проведено на основе стратегических документов и международных отчетов, опираясь на концепции экономического роста, связанные с развитием науки, научных центров и инвестициями в инновации. Результаты показывают, что иностранные инвестиции способствуют трансферу инноваций, новых технологий и управленческого опыта, тем самым укрепляя связи предприятий (встраивание в цепочки) и повышая их конкурентоспособность. Гранты выступают как «заполняющее разрыв» финансирование в периоды повышенных рисков, стимулируя научно-исследовательские центры, поддерживая коммерциализацию

разработок и научно-инновационное сотрудничество. Для повышения результативности рекомендуется применять совместное финансирование грантов (50/50). Также целесообразно направлять прямые иностранные инвестиции на интеграцию научно-исследовательских институтов (центров и др.) с промышленностью для укрепления потенциала местного производства.

Ключевые слова: инновационная деятельность; иностранные инвестиции; международные гранты; венчурный капитал; национальная инновационная система; коммерциализация; внедрение в практику.

ROLE OF FOREIGN INVESTMENT AND INTERNATIONAL GRANTS IN INNOVATION ACTIVITY EVIDENCE FROM UZBEKISTAN

Ustemirov Jakhongir Shotemirovich

Agency for Innovative Development, Department for Attracting Financial
Resources and Foreign Grants for Scientific and Innovation Activities

E-mail: ustemirovjahongir@gmail.com

Abstract: This article analyzes the role of foreign investment (foreign direct investment and venture capital) and international grant-financing programs (external non-repayable grants and co-financed/matching grants) in accelerating innovation processes in Uzbekistan. The study is based on strategic policy documents and international reports and draws on growth concepts emphasizing science, research centers, and investment in innovation. The findings show that foreign investment links and strengthens firms by enabling the transfer of innovations, new technologies, and managerial know-how and by integrating enterprises into value chains. Grants serve as gap-filling finance during periods of elevated risk, encouraging research centers, supporting the commercialization of R&D outputs, and promoting scientific and innovation collaboration. To increase effectiveness, co-financing (50/50) of grants is recommended. It is also recommended to channel foreign direct investment toward integrating research institutes (centers, etc.) with industry in order to strengthen domestic production capacity.

Keywords: innovation activity; foreign investment; international grants; venture capital; national innovation system; commercialization; implementation (adoption) in practice.

КИРИШ

Сўнги йилларда Ўзбекистонда инновацияларни иқтисодий ўсишнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучига айлантириш давлат сиёсати устувор йўналишига айланди. Жумладан, 2022–2026-йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясида саноат корхоналари ва илмий муассасалар ҳамкорлиги (кооперацияси)ни кучайтириш орқали иқтисодиётга инновацияларни кенг жорий этиш ҳамда Global Innovation Index рейтингдаги ўрнини яхшилаш вазифалари белгиланган [1].

Бироқ илмий ва инновацион лойиҳаларни молиялаштиришда ички манбалар билан тўлиқ қамраб ололмаслигимиз туфайли, икки муҳим восита сифатида хорижий инвестициялар ва халқаро грантлар орқали молиялаштиришнинг бир қисмини тўлдирувчи механизмлар майдонга чиқади. Хорижий инвестициялар корхоналарга нафақат молиявий ресурс, балки янги технологияларни олиб кириш, замонавий менежментни жорий этиш, шунингдек, жаҳон бозорларида имкониятлар занжирларига боғланиш имконини яратади.

Халқаро грантлар эса юқори хавф-хатарга эга илмий лойиҳалардан тортиб тижоратлаштиришгача бўлган босқичларда боғловчи восита сифатида хизмат қилиб, инновацион ташаббусларнинг жорий этилишига кўмаклашади. Хусусан, қўшма грантлар ва ташқи беғараз грантлар каби механизмлар илмий тадқиқот институтлари (марказлар) билан саноат корхоналари ўртасидаги ҳамкорликни ўзаро боғлайди.

Ушбу мақоланинг мақсади — Ўзбекистон мисолида хорижий инвестициялар ва халқаро грантларнинг инновацион фаолиятга таъсир этиш йўллари тизимли таҳлил қилиш, амалий дастур ва лойиҳалар мисолида хулосалар чиқариш ҳамда натижалар асосида сиёсий-амалий тавсиялар ишлаб чиқишдир.

АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

Иқтисодиётнинг узок муддатли ўсиши ташқи омиллардан эмас, балки таълим, инновация ва билим каби ички омиллар ҳисобига таъминланадиган ўсиш ёндашуви орқали иқтисодиёт марказига замонавий технология ва билимларни олиб киради. Билим нодаврий рақобат хусусиятига эга бўлгани сабабли, бозор мувозанати шароитида илмий ташкилотларга етарлича ресурс ажралмаслиги мумкин. Интеграция ва бозор кўлами эса ўсиш суръатларига таъсир қилади (Romer, P. M., 1989).

Мамлакат учун инновацион фаолиятга хорижий молия ресурслари ва ташқи беғараз кўмак маблағлари (грант) таъсирини баҳолашда ташқи ресурсларнинг корхоналар ва илмий марказлар даражасида ўзлаштирилиши барча салоҳиятлар динамикасини оширади (Shaker A. Zahra & Gerard George, 2002) ҳамда иқтисодиёт илм-фан ва инновациялар билан ўзаро боғлиқ эканини кўрсатади (Gergana Todorova & Vioriana Durisin, 2007).

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар технологик тарқалиш (диффузия)га хизмат қилиши мумкин, аммо эмпирик натижалар турлича. Амалиётда “spillover”лар кўпроқ маҳаллий етказиб берувчилар билан боғлиқ алоқалар (backward linkages) орқали кучайиши кузатилади (Beata Smarzynska Javorcik, 2004), бироқ умумий унумдорлик мамлакат ва саноат ташкилотларининг хусусиятларига қаттиқ боғлиқ (Holger Görg & David Greenaway, 2004; Wolfgang Keller, 2004). Шу боис корхоналарнинг технологик даражаси ва инсон капитали (технология, билим, тажриба ва ҳ.к.)ни қабул қилиш учун уларнинг талабини (агарда юқори бўлса) бажариши зарурлиги таъкидланади (Nuno Crespo & Maria Paula Fontoura, 2007; Roger Smeets, 2008).

Инновацияларни молиялаштиришда венчур капитал патентлаш фаоллигини тезлаштириши ҳақида далиллар бор (Samuel S. Kortum & Josh Lerner, 2000). Ташқи беғараз грантлар, давлат субсидияси ва давлат инвестицияси кўшимча таъсир кучи ҳисобланади; буларни баҳолашда турлича методологиялардан фойдаланиш муҳимлиги таъкидлаб ўтилган (Dirk Czarnitzki & Katrin Hussinger, 2004; José A. Zúñiga-Vicente ва бошқ., 2014).

Бу фикрларнинг барчаси Ўзбекистон шароитида ҳам муҳим. Хорижий инвестициялар бозорга интеграцияни кучайтириб, технология трансферини тезлаштиради. Грантлар эса бозор маблағи етишмайдиган соҳаларда, айниқса илмий ташкилотларда, ишларини қўллаб-қувватлаб, рағбат беради.

Бошқа муҳим асосий ғоя — бошқа бир мамлакатдан келган билим ва технологияларни маҳаллий корхоналар ҳамда илмий ташкилотларга мослаштириш ва амалиётга татбиқ этиш салоҳиятидир. Агар бу салоҳият паст бўлса, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва грантлар кутилган янги инновацион натижани бермаслиги

мумкин; аксинча, ушбу кўрсаткичлар юқори бўлса, инновацияларнинг (лойиха, билим, ғоялар ва ҳ.к.) пастга “қулаши” (музлаши) кучайиши мумкин [8].

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Тадқиқот ишида сифат (qualitative) ва тавсифий (quantitative) ёндашувларни уйғунлаштирадиган desk-research дизайни ишлатилди. Тадқиқот жараёнида кузатиш, маълумотларни тўплаш ва тизимлаштириш, умумлаштириш, таққослаш, контентни таҳлил қилиш ва тавсифий таҳлил усуллари қўлланилди. Назарий асос сифатида иқтисодий ўсишнинг ички манбаларига таянувчи эндоген ўсиш ҳамда сингдириш (ўзлаштириш) қобилияти концепциялари танлаб олинди. Янги ишланма ва тадқиқотлар, технологиялар трансфери ва хорижий инвестициялар, халқаро ва хорижий грантлар орқали бозор иқтисоди танқислиги бўлган сегментларда рағбатлантириш механизмлари таҳлил қилинди. Бундан ташқари, 2022–2026 йиллар Тараққиёт стратегияси ва инновацион ривожланиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида устувор йўналишлар ажратиб олинди [1], [2]. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқими ва ҳудудий инвестиция контексти, БМТнинг ССА ҳужжатидаги индикаторлар ҳамда Марказий Осиё бўйича венчур бозори ҳисоботлари асосида ёритилди [3], [4], [7].

Халқаро молия иштирокидаги инновация грант механизмларини очиб беришда Инновацион ривожланиш агентлиги томонидан амалга оширилаётган Жаҳон банкининг MUNIS лойиҳаси ҳужжатлари асосий манба сифатида олинди [5]. UNDP тадқиқоти асосида IT ва экспортга йўналтирилган резидентлар ҳамда хорижий компаниялар улуши дескриптив усулда таҳлил қилинди [6].

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР МУҲОКАМАСИ.

Хорижий инвестициялар ва халқаро грантларнинг инновацион фаолиятга таъсир механизмлари таҳлил қилинди. Таҳлил натижасида инновацион натижалар (янги маҳсулот/сервис, экспорт, патент, лицензия, самарадорлик) молиявий кўмакдан кўра, ресурсларнинг қайси бўғинга ва қандай инструмент орқали кириб келишига боғлиқлиги аниқланди. Биринчидан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар инновацияга 3 та оқим орқали таъсир қилиши таҳлил қилинди: 1) технология ва бошқарув амалиётлари трансфери, 2) қиймат занжири ва экспорт бозорларига чиқиш, 3) венчур капитал орқали стартапларни молиялаштириш. Натижада шундай хулоса қилиндики, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва хорижий беғараз грант-грантлар олиб кирадиган ускуналар, стандартлар ва энг яхши амалиётлар ҳам ўз-ўзидан инновацияга айланмайди, балки маҳаллий ўзлаштириш салоҳияти (кадр, компетенция, таъминот занжири тайёргарлиги) кучли бўлса, тарқалиш таъсири (билим, технология ва ҳ.к.) кенгайди, акс ҳолда тизимдан ажралган ҳолатда қолиб кетиши мумкин [8]. Шу боис тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва хорижий беғараз грант-грантлар оқимини инновацияга боғлаш учун кооперация, модернизация ва илмий ташкилотларни рағбатлари каби боғловчи механизмлар зарурлиги асосланди.

Иккинчидан, FDI оқими рақамлари инновация учун капитал базаси борлигини, лекин уни натижага айлантириш инструментлари ҳал қилувчи эканини кўрсатди. 2022-йилда FDI inflow 2 531 млн АҚШ доллари қайд этилгани таҳлил қилинди [3]. Натижада Ўзбекистонда ресурс мавжуд, аммо уни инновацион маҳсулот/сервис, экспорт ва технологик модернизацияга улаш учун илм-фан–саноат ҳамкорлиги ва илмий ташкилотларга рағбат механизмлари билан боғлаш зарурлиги келиб чиқди. Яъни KPI фақат

жалб қилинган инвестиция бўлиб қолса, иқтисодиётга инновациянинг таъсири тарқок бўлиши мумкин. Учинчидан, минтақавий инвестиция контексти таҳлил қилинди. Марказий Осиёда ўзаро тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар тахминан ~ 1,1 млрд доллар, унда Ўзбекистон улуши 13% экани кўриб чиқилди [4]. Натижада минтақавий қиймат занжирларига чуқурроқ интеграция ва инновацион саноатни кенгайтириш учун ҳали фойдаланилмаган захира экани аниқланди. Бу йўналиш ривожлантирилса, инновация нафақат ишлаб чиқариш ҳажмида, балки дизайн, стандартлаштириш, сертификатлаш, рақамлаштириш каби жараёнларда ҳам тезроқ намоён бўлиши мумкин.

Тўртинчидан, венчур капиталнинг инновацион тадбиркорликдаги роли таҳлил қилинди. 2024-йилда Ўзбекистонда венчур молиялаштириш 17,5 млн доллар, 38 та битим ва 2,7 баравар ўсиш қайд этилгани асосида, натижада стартап сегментида (кўпинча халқаро/минтақавий) хусусий капитал фаоллашаётгани аниқланади [7]. Шу билан бирга, бу каналнинг барқарор таъсири экотизим сифатида (хуқуқий муҳит, exit механизмлари, кадр ва бозорга чиқиш инфратузилмаси) боғлиқ эканлиги хулоса қилинди.

Бешинчидан, халқаро грантлар қайси “бўшлиқлар”ни ёпиши таҳлил қилинди ва натижада грантлар энг рискли бўғинларни нишонга олиши исботланди. Proof-of-concept ва тижоратлаштириш босқичида бозор молияси sust бўлгани учун грантлар “рискни бўлишиш” вазифасини бажаради [5]. MUNIS дизайнида matching-grant (фирмага 50 минг долларгача, бенефициар томонидан камида 50% co-funding) ҳамда R&Dни қўлловчи BIRD (10 млн доллар) каби инструментлар айнан шу рискли бўғинларни қўллаши кўрсатилди ва натижада грантлар тўғридан-тўғри инвестиция ва хусусий капитални сиқиб чиқармасдан, аксинча уларни тўлдирувчи механизм экани хулосаланди.

Яқиний жихат сифатида, институционал уйғунлик ва рақамли экотизим таҳлил қилинди. Давлат стратегиясидаги мақсадлар инвестиция ва грантларни ягона натижа занжирига боғлашни талаб қилиши, ҳамда IT Park Uzbekistan резидентлари орасида хорижий компаниялар ва халқаро бозорга хизмат кўрсатиш улуши инновацион экспорт ва билим оқими учун платформа яратаётгани қайд этилди [6]. Натижада энг муҳим хулоса шуки, Ўзбекистонда инновацияни тезлаштириш учун тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, хорижий грантлар (илмий ташкилотлар лойиҳалари ва тижоратлаштиришдаги рискли босқич), венчур капитал (стартаплар) бир-бирини тўлдирувчи механизмлар сифатида битта натижа тизимида бошқарилиши керак.

ХУЛОСА

Ўзбекистон шароитида инновацияларни ривожлантиришда хорижий инвестициялар ва халқаро грантлар бир-бирини тўлдириб ишлайди. Хорижий инвестициялар корхоналарга янги технология, замонавий бошқарув тажрибаси ва глобал бозорга чиқиш имконини олиб киради. Халқаро грантлар эса кўпинча банклар кредит беришга қийналадиган, таваккали юқори бўлган илмий ташкилотлар ва тижоратлаштиришнинг дастлабки босқичларини молиялаштириб, лойиҳанинг “юриб кетиши”га ёрдам беради.

Энг яхши натижа шу икки манба узлуксиз занжир сифатида ишлаганда кўринади: **яъни ғоя → тадқиқот → прототип → маҳсулот → бозор → экспорт.**

Юқоридагиларни амалга ошириш учун уч йўналиш бирга юриши керак:

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар сиёсати — бу фақат хорижий инвесторни олиб келиш эмас. Мақсад шундаки, инвестор келса, унинг технологияси ва иш услуги бутун иқтисодиётга ҳам тарқалсин. Шу сабаб бир худудда бир-бирини тўлдирадиган

корхоналар кластер шаклида ривожлантирилади, инвестор билан ишлай оладиган маҳаллий етказиб берувчилар (таъминотчилар) тайёрланади. Натижада инвестор ёлғиз ишламайди: унинг атрофида маҳаллий компаниялар ҳам ҳамкор сифатида ўсади ва кўпроқ иш ўрни ҳамда инновация пайдо бўлади.

Грант механизмлари — грантлар шунчаки пул бериш эмас, балки қўшма молиялаштириш орқали лойиҳа эгаси ҳам ўз маблағини қўшади (масъулият ошади). Натижага қараб мониторинг орқали эса маблағ сарфи эмас, айнан чиққан натижа — прототип, маҳсулот, патент, бозорга чиқишга эришиш имкониятлари кафолати бирмунча ошади.

Ўзлаштириш салоҳияти — ташқаридан келган технология ва билимни фойдали натижага айлантириш учун ичкарасида тайёр база бўлиши керак. Яъни малакали кадрлар, лабораториялар, патентлар, Рни ҳимоя қилиш тизими ҳамда стандартлар бўлмаса, инвестиция ёки грант бўлса ҳам, натижа sust бўлиш эҳтимоли катта.

Амалиёт тавсиялари:

1. Грантларни хусусий маблағни жалб қиладиган қилиб тузиш: корхона ҳам ўз маблағини қўшишини мажбурий қилиш ва натижани бозорга чиқиш, сотув/экспорт каби аниқ кўрсаткичлар билан ўлчаш.

2. Хорижий инвесторларни жалб қилишда инновацияга ҳақиқий ҳисса қўшадиган талабларни кучайтириш: илмий-тадқиқот ишлари, маҳаллий етказиб берувчилар билан ишлаш, кадрлар тайёрлаш.

3. Маҳаллий ўзлаштириш салоҳиятини ошириш: муҳандислик, технологияни бошқариш кўникмалари ва университет–саноат ҳамкорлигини аниқ стратегик кўрсаткичлар орқали бошқариш.

Адабиётлар/ Литература/Reference:

1. “Development Strategy of New Uzbekistan for 2022–2026” (PF-60, 28.01.2022), Инновацияларни жорий этиш ва Global Innovation Index бўйича мақсадлар (51–52 мақсад) — 29-бет.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 06.07.2022 даги ПФ-165-сон фармони: “2022–2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегияси”.
3. “Common Country Analysis (CCA) Uzbekistan” (BMT), Annex C: High Frequency Economic Indicators — (2022), 84-бет.
4. “Common Country Analysis (CCA) Uzbekistan”, intra-regional investments — 92-бет.
5. International Development Association / World Bank. “Project Appraisal Document (PAD3955), Modernizing Uzbekistan National Innovation System (MUNIS) Project (P170206)” 1-бет, 23-бет, 32-бет.
6. UNDP. “Digital Economy Study” (Uzbekistan): IT Park резидентлари ва хорижий келиб чиқишли компаниялар, халқаро бозорга хизмат кўрсатиш ва инвестиция мисоллари — 67-бет, 71-бет.
7. KPMG. “Venture Capital in Central Asia 2025” 9-бет, 42-43-бет.
8. Cohen, W. M., & Levinthal, D. A. (1990). “Absorptive Capacity: A New Perspective on Learning and Innovation”, *Administrative Science Quarterly*, 128-129-бет.
9. National Bureau of Economic Research. Romer, P. M. (1989). “Endogenous Technological Change”, NBER Working Paper, 1-3-бет.